

ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТДА ЯРАТИЛГАН МОЙЛИ ЭКИНЛАР НАВЛАРИ

Хасанов Х.М., Расулов М.Б., Алланазарова Л.Р., Абдумухторов С.Х.

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Мақолада Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти мойли ва толали экинлар илмий-тажриба станциясида яратилган мойли экин навларига қисқача тавсиф берилган. Станцияда кунгабоқарнинг Жаҳонгир, Дилбар, Навруз, Диёр, ерэнғокнинг Қибрай-4, Мумтоз, Саломат, Лидер, кунжутнинг Ташкентский-122, Қора шахзода, Садаф, махсарнинг Нодир Сахро маликаси каби навлари яратилиб республика қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестрига киритилган. Бу навлар бугунги кунда республикамизда асосий ва такрорий экин сифатида катта майдонларга экилмоқда.

Аннотация: В статье приводится краткое описание сортов масличных культур, созданных на научно-опытной станции масличных и волокнистых культур Научно-исследовательского института генетических ресурсов растений. На станции созданы и внесены в Государственный реестр сельскохозяйственных культур республики такие сорта подсолнечника, как Джахонгир, Дилбар, Навруз, Диер, арахиса- Кибрай-4, Мумтоз, Саломат, Лидер, кунжута- Ташкент-122, Қора шахзода, Садаф, сафлора- Сахро Маликаси, Нодир. В нашей республике эти сорта высеваются на больших площадях в качестве основной и повторной культуры.

Annotation: The article provides a brief description of the varieties of oilseeds created at the scientific experimental station of oilseeds and fibrous crops of the Scientific Research Institute of Plant Genetic Resources. Sunflower varieties such as Jahongir, Dilbar, Navruz, Dier, peanuts- Kibray-4, Mumtoz, Salomat, Leader, sesame- Tashkent-122, Kora Shahzoda, Sadaf, safflower- Sakhro Malikasi, Nodir were created at the station and entered into the State Register of Agricultural Crops of the republic. In our republic, these varieties are sown on large areas as the main and repeated culture.

Дунё мамлакатларида аҳолининг ўсимлик мойига талаби кундан-кун ошиб бормоқда. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида: озиқ-овқат, консерва, лак-бўёқ, алиф, совун ишлаб чиқаришда; линолеум, парфюмерия, босмахона бўёқлари тайёрлашда, тиббиётда ва асбоб-ускуналарни мойлашда ўсимлик мойидан фойдаланилади. Ўсимлик мойи инсон учун энг зарур ва ҳеч нарса билан алмашиб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари сирасига киради.

Ўзбекистон аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган талаби яқин йилларгача асосан пахта чигитидан олинган мой билан қондирилар эди. Лекин мустақиллик йилларига келиб, республика аҳолисини арзон, сифатли, таркибида инсон организми учун зарарли моддалар сақламайдиган кунгабоқар, соя, зайтун, махсар, кунжут, ерэнғок каби ўсимлик мойи билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда республикамизнинг суғориладиган майдонларида йилига ғўза ўсимлигидан ташқари 7-8 минг гектар кунгабоқар, 5 минг гектар соя ва лалми ҳудудларда 10-12 минг гектарда махсар ўстирилмоқда.

Мойли экинлар турли оилаларга мансуб бўлиб, улар – мураккабгулдошлар, дуккакдошлар, сутламадошлар ва бошқалардир.

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг Мойли ва толали экинлар илмий-тажриба станциясида мойли ва толали экинлар генофондини сақлаш, ўрганиш ва юқори ҳосилли, эрта пишар, зараркунанда ва сувсизликка чидамли, маҳсулот сифати жаҳон талабларига мос бўлган мойли ва толали экинлар навлари яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилиги олиб бориш, мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

1-YO'NALISH: AGROBIOXILMA-XILLIKNI O'RGANISH, SAQLASH VA BOYITISHI MUAMMOLARI

Илмий тадқиқотлар институт ва хорижий олимлар томонидан ҳар бир мойли экин учун ёзилган услубий қўлланмалардан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда.

Илмий-тажриба станцияда жами 4951 та, шу жумладан мойли экинлардан - махсарнинг 523 та, зиғирнинг 252 та, кунжутнинг 1446 та, ерёнғоқнинг 1428 та, кунгабоқарнинг 60 та ва ляллеманциянинг 15 та, жами 3724 та намуналари, толали экинлардан - канопнинг 370 та, жутнинг 168 та, канатникнинг 188 та, краталариянинг 117 та, малванинг 43 та ва бамиянинг 341 та, жами 1227 та коллекция намуналари келажак авлоднинг озик-овқат хавфсизлигини кафолатловчи ягона манба сифатида тирик ҳолда сақланмоқда.

Институт олимлари томонидан яратилган 20 дан ортиқ мойли экинлар янги навларининг 13 таси турли йилларда республика ҳудудлари учун районлаштирилган бўлиб, улардан кунжут ва ерёнғоқнинг барча навлари институтимизга тегишли навлардир (1-жадвал). Яратилган навларнинг 12 таси мустақиллик йилларида яратилиб, районлаўтирилган. Янги яратилган навлар мой чиқимининг юқорилиги, серҳосиллиги, ўзгариб бораётган иқлим шароитларига мосланувчанлиги билан илгари яратилган навлардан фарқ қилади. Қуйида янги яратилган навлар тавсифи келтирилади.

1-жадвал

Институт томонидан яратилган ва районлаштирилган навлар

Т/р	Экиннинг лотинча номи	Навнинг номи	киритилган йил
1.	Arachis hypogaea L.	Кибрай 4	1998
2.	Arachis hypogaea L.	Мумтоз	2006
3.	Arachis hypogaea L.	Саломат	2006
4.	Arachis hypogaea L.	Лидер	2015
5.	Helianthus annus L.	Жахонгир	2006
6.	Helianthus annus L.	Дилбар	2013
7.	Helianthus annus L.	Навруз	2013
8.	Helianthus annus L.	Диёр	2018
9.	Sesamum indicum L.	Ташкентский 122	1942
10.	Sesamum indicum L.	Қора шахзода	2012
11.	Sesamum indicum L.	Садаф	2019
12.	Carthamus L.	Нодир	2013
13.	Carthamus L.	Сахро маликаси	2019

Ер ёнғоқнинг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти. Дони қовурилган, тузланган ҳолатда ва истемол мойи ишлаб чиқаришга, қандолатчилик ва космитология соҳаларида фойдаланилади. Пояси чорва хайвонлари учун тўйимли озуқа. Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг табиий унимдорлигини оширувчи асосий экинлардан бири ҳисобланади.

Ерёнғоқнинг “МУМТОЗ” нави		Ерёнғоқнинг “ҚИБРАЙ-4” нави	
Экиш нормаси:-	110-120 кг/га	Экиш нормаси:-	150 кг/га
Экиш схемаси:	70-15 см; 70/10 см	Экиш схемаси:	70-15 см; 70/10 см
Ўсув даври:	150 кун (ўртапишар)	Ўсув даври:	160 кун (ўртапишар).
Ҳосилдорлиги:	30-35 ц/га	Ҳосилдорлиги:	35-40 ц/га
Уруғининг ранги	тўқ қизил	Уруғининг ранги	Пушти
1000 дона уруғ вазни	600-650 г	1000 дона уруғ вазни	900-1000 г
Уруғи таркибидаги мой миқдори	52%	мой миқдори	46%
Уруғи таркибидаги оксил миқдори	20%	оксил миқдори	17%
Мағзининг чиқими	65-70%	Мағзининг чиқими	65%

**1-YO‘NALISH: AGROBIOXILMA-XILLIKNI O‘RGANISH, SAQLASH
VA BOYITISHI MUAMMOLARI**

Фаркли тарафи:	пояси паст бўйли, тўк яшил майда баргли	Фаркли тарафи:	Пояси ярим тик ўсувчи. Тошкент-112 (450-500 г, 20 ц/га) навига нисбатан уруғининг йириклиги 1,8-2 баробар, ҳосилдорлиги 1,5-2 баробар юқори
Ер ёнғоқнинг “Саломат” нави		Ер ёнғоқнинг “ЛИДЕР” нави	
Экиш нормаси:-	80 кг/га	Экиш нормаси:-	150 кг/га
Экиш схемаси:	70/10 см	Экиш схемаси:	70-15 см; 70/10 см.
Ўсув даври:	150 кун (ўртапишар).	Ўсув даври:	150-160 кун (ўртапишар).
Ҳосилдорлиги:	182 ц/га	Ҳосилдорлиги:	35-40 ц/га.
Уруғининг ранги	Қизил	Уруғининг ранги	Қизил рангли
1000 дона уруғ вазни	450-500 г	1000 дона уруғ вазни	1000-1050 грамм
мой миқдори	50%	мой миқдори	50 %
оқсил миқдори	18%	оқсил миқдори	20 %
Мағзининг чиқими	65-67%	Мағзининг чиқими	65-67%
Фаркли тарафи:	Пояси ярим тик ўсувчи. нисбатан эртапишар, жанубийда такрорий мудатда экиш мумкин.	Фаркли тарафи:	Пояси ярим тик ўсувчи. Тошкент-112 (450-500 г, 20 ц/га) навига нисбатан уруғи 2 баробар йирик, ҳосилдорлиги 1,5-2 баробар юқори.
Махсарнинг “САҲРО МАЛИКАСИ” нави		Қунгабоқар “ЖАҲОНГИР” нави	
Экиш нормаси:-	25 кг/га	Экиш нормаси:-	5-6 кг/га
Экиш схемаси:	70/7 см; 70/10 см	Экиш схемаси:	70 x 30 см
Ўсув даври:	110-115 кун (ўртапишар)	Ўсув даври:	85-90 кун (ўртапишар) асосий ва такрорий экин сифатида экиш тавсия этилади
Ҳосилдорлиги:	лалмида 6-8 ц/га	Ҳосилдорлиги:	18-24 ц/га
Уруғининг ранги	Оқ	Уруғининг ранги	Қора, кучсиз сезиларли кулранг чизикли
1000 дона уруғининг вазни	44-46 г.	1000 дона уруғининг вазни	65-70 г
мой миқдори	42%	мой миқдори	56-58%
оқсил миқдори	15%	оқсил миқдори	20%
Фаркли тарафи:	Ҳосил саватчалари йирик, гул тожи барглари қизил, тиканаксиз.	Мағзининг чиқими Фаркли тарафи:	70-75% Ташқи таъсирларга нисбатан чидамли

Институтнинг мойли ва толали экинлар илмий-тадқиқот институтида мойли экинларнинг бугунги кунда ўсиб бораётган аҳоли ва саноат талабларига мос, мой чиқими юқори бўлган, серҳосил, ўзгариб бораётган иқлим шароитларида абиотик ва биотик стресс

омилларга чидамли навларни яратиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ҳар бир мойли экин бўйича қуйидаги асосий белгиларига эътибор берилмоқда:

- кунгабоқар селекциясида асосий эътибор юқори миқдорда мой чиқими билан биргаликда, серҳосиллик, тезпишарлик, абиотик ва биотик стресс омилларга чидамли ва такрорий экин сифатида мос бўлиши;
- кунжут – мой чиқими юқори, серҳосил, уруғлари бир пайтда пишадиган, механизация ёрдамида ўриб-йиғиб олишга мос, абиотик ва биотик стресс омилларга чидамли;
- махсар – мой чиқими юқори, лалми шароитда юқори ҳосил берадиган, абиотик ва биотик стресс омилларга чидамли;
- соя – мой чиқими юқори, серҳосил, тезпишар, такрорий экин сифатида мос бўлиши, абиотик ва биотик стресс омилларга чидамли;

Ҳулоса қилиб айтганда, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг Мойли ва толали экинлар илмий-тажриба станциясида фундаментал изланишлар билан биргаликда республикамиз аҳолиси ва саноатини ўсимлик мойига бўлган талабини тўла қондириш, фермер хўжаликлари ва кластерлар иқтисодини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш учун амалий тадқиқотлар олиб борилиб, янги навлар яратилмоқда ва ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Адабиётлар

1. Аманов А.А., Анарбаев И.У ва бошқалар. Мойли экинлардан (кунгабоқар, соя, махсар) юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар. ЎИТИ, Тошкент 2017. 30 б.
2. Аманова М.Э., Рустамов А.С. “Мойли экинлар жаҳон коллекциясини ўрганиш бўйича услубий қўлланма”. ЎИТИ. Тошкент 2010.
3. Аманова М.Э., Рустамов А.С., Алланазарова Л.Р. Кунжут уруғчилиги ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиянома, ЎИТИ. Тошкент 2018. 24 б.
4. Методика проведения полевых и агротехнических опытов с масличными культурами/ Под ред. В.М. Лукомца - Краснодар: ВНИИМК, 2007. - 113 с.